



Co-funded by the  
Erasmus+ Programme  
of the European Union



# «ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ШАРОИТИДА БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РОЛИНИ ОШИРИШ»

мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари

ЕИ ERASMUS+ дастурининг «MAGNET – Университетлар  
Ўзбекистонда ўрта ёш аҳолини ўқитиш ва касбга тайёрлаш  
марказларининг асосий ҳамкори» лойиҳаси доирасида

Materials of the international scientific-practical conference

## «STRENGTHENING THE ROLE OF UNIVERSITIES IN SOLVING THE PROBLEMS OF THE UNEMPLOYED POPULATION IN THE CONTEXT OF MARKET REFORMS IN UZBEKISTAN»

within the framework «MAGNET – University as a key partner of  
NETwork for vocational educational training centers of Middle Age  
Generation in Uzbekistan» project ERASMUS+ programme of the EU

Материалы международной научно-практической конференции

## «УСИЛЕНИЕ РОЛИ УНИВЕРСИТЕТОВ В РЕШЕНИИ ПРОБЛЕМ НЕЗАНЯТОГО НАСЕЛЕНИЯ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНЫХ РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ»

в рамках проекта «MAGNET – Университеты как ключевой партнёр  
центров обучения и профессиональной подготовки населения  
среднего возраста в Узбекистане» программы ЕС ERASMUS+



February 11-12, 2019, Ferghana, Uzbekistan

## ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Шерматов О.А. – и.ф.н., доцент, ТошДАУ Андижон филиали

### Аннотация

Олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги самарали интеграция муносабатларини кенг жорий этиш чораларини кўриш зарур. Бу борада мутахассис тайёрловчи ҳар бир ихтисослик кафедралари тайёрлайдиган мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида самарали фаолият юритаётган хўжалик ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши мақсадга мувофиқ.

### Аннотация

В процессе подготовки квалифицированных кадров в системе высшего образования необходимо принимать меры для широкого содействия интеграции высшего образования, эффективной интеграции науки и производства. В связи с этим желательно наладить тесное сотрудничество с предприятиями и организациями, которые эффективно функционируют в сферах экономики и отраслях в зависимости от специальности подготовки специалистов каждого отдела специализации.

### Annotation

In the process of training qualified personnel in the higher education system, it is necessary to take measures to widely promote the integration of higher education, the effective integration of science and production. In this regard, it is desirable to establish close cooperation with enterprises and organizations that function effectively in the spheres of economy and industries, depending on the specialty of training specialists in each department of specialization.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолисининг сони 2018 йил 1 октябрь ҳолатига 33 миллиондан ортиқ бўлиб, бир йилда ўртача 533,4 минг кишига ёки 1,7 фоизга ўсмоқда. Бу ҳолат республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни аҳолини кўпайишига мутаносиб равишда кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бунинг учун ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ва қайта ишлашни кўпайтириш ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари фаолиятини янада такомиллаштириш талаб этилади. Юқорида келтирилган масалаларни ижобий ҳал этилиши бевосита агросаноат мажмуаси (АСМ)нинг шаклланиши ва бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда ривожланиши билан боғлиқдир. Бу эса АСМ ва унинг тармоқларини аграр соҳа учун нақадар зарурлигини асослайди. Бугунги инновацияларни ва инсон капиталини ривожланиши шароитида мамлакатимиз агросаноат мажмуасининг стратегик ривожлантириш масаласи соҳа учун олий маълумотли кадрларни бозор иқтисодиёти талабларига мос ҳолда тайёрлаш билан бевосита боғлиқдир. Бу жараёнда албатта, олий таълим тизимини тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс даражада каттадир. Олий таълим тизими самарадорлиги эса охир-оқибатда ўқув жараёнини сифатли ташкил этилишига ва самарали бошқарилишига боғлиқдир. Рақобатбардош кадрларнинг янги авлоди бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида самарали фаолият кўрсата олиши, яъни муаммоли вазиятларда мустақил фикрлай олиши ва тўғри қарорлар қабул қила олиши лозим. Маълумки, мазкур масалалар бугунги кунда ҳукуватимиз эътиборидадир. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, 2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №3151-сонли қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда бугунги кунда республикамиз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш, кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга доир қатор долзарб масалалар мавжудлиги асослаб берилган. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва

маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида жалб қилинган нуфузли хорижий экспертлар гуруҳи томонидан 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган.

Бугунги иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражаси тўрт асосий омилнинг ўзаро муносабати асосида юзага чиқади деб ҳисоблаймиз. Улар таркибига ўқитувчи, талаба, олий таълим учун зарур бўлган моддий-техника базаси ҳамда олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги самарали интеграцияни таъминланганлиги билан боғлиқ омилларни киритиш мумкин.

Биринчи икки омил, яъни профессор-ўқитувчилар ва талабалар таълим жараёнининг қатнашчилари, уни бевосита иштирокчилари бўлиб ҳисобланади. Профессор-ўқитувчилар юқори малакали кадрларни тайёрлашда алоҳида ўрин тутди. Ўқитувчининг касбий маҳорати, уни ўз устида тинмай ишлаши, билимини ошириб бориши ва дарс ўтиш услубини мунтазам такомиллаштириши асосида ошириб бориш мумкин. Ўқитувчилар услубий маҳоратини оширишнинг асосий омили – илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва уларни ўқув жараёнига самарали тадбиқ этишдир. Шунинг ҳисобга олиб, бугунги кунда мутахассислик кафедраларини юқори малакали педагоглар билан таъминлаш ва илмий салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг яна бир асосий омили – бу талабалар, яъни билим олувчиларнинг ўзларидир. Талаба тўрт йиллик ўқиш жараёнида ўз устида тинмай ишлаши, ўзининг билим даражасини, малакасини ва кўникмасини юксалтириш устида мунтазам иш олиб бориши лозим. Талабанинг касбий тайёргарлиги дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтда таркиб топади. Мустақил тайёргарлик талабанинг интилиши ва хоши-иродаси асосида бўлади. Профессор-

ўқитувчиларнинг талабага таъсири эса унда шу хусусиятларнинг шаклланиши билан узвий боғланади.

Олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига энг катта таъсир кўсатувчи омиллардан бири – бу олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги самарали интеграция муносабатлари ҳисобланади. Бугунги кунда олий маълумотли кадрлар тайёрлашга буюртмаларни шакллантиришда, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқишда ҳамда тармоққа зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнида кадрлар буюртмачиларининг самарали иштироки талаб этилмоқда. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамроҳанглигини таъминлаш учун афсуски, иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, бугунги кунда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодий стратегик ривожлантириш шароитида рақобатбардош кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида ихтисослик кафедраларида моддий-техника базасини замон талаби асосида мустаҳкамлаш чора-тадбирларни кўриш, жумладан, ихтисослик кафедраларида энг замонавий ахборот коммуникация техника ва технологиялари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилиб улар асосида талабаларда ижтимоий ҳаётда амал қиладиган ва қўлланиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш ҳамда бизнес режаларни, ҳисоботларни тузиш, таҳлил этиш ва фойдаланиш бўйича мос ҳолдаги ишлаб чиқариш кўникмаларини ҳосил қилинишини ташкил этиш;

- ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида дарс жадвалини тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш талабларига мос ҳолда мунтазам такомиллаштириб борилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан, кичик ҳажмдаги фанлар учун алоҳида жуфтликларни ажратиб, уларни жадал усулда ўқитилиши ҳам ўзининг ижобий натижасини беради. Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнида кичик ҳажмдаги фанларни бутун семестр давомида ўқитилиши яхши самара бермайди. Бу ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам бир қатор ноқулайликларни ҳосил қилади. Бир вақтда ўқитиладиган фанларнинг сонини қисқартирилиши уларни ўқитилиши сифатини ва ўзлаштирилиши даражасини мос ҳолда ошириш имкониятини беради. Бу усул талабалар билимини мунтазам назорат қилиш учун ҳам қулай шарт-шароитларни яратади;

- ўқув жараёнида энг замонавий илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш

даражасини ва самарадорлигини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриш;

- олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига олий таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги самарали интеграция муносабатларини кенг жорий этиш чораларини кўриш. Бу борада мутахассис тайёрловчи ҳар бир ихтисослик кафедралари тайёрлайдиган мутахассислик хусусиятидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида самарали фаолият юритаётган хўжалик ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўқув режада кўрсатилган

малакавий амалиётларни бевосита ҳамкор ташкилотларда ташкил этишни самарали йўлга қўйиш асосида битирувчиларни мутахассислик бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётини стратегик ривожлантириш шароитида олий таълим тизимида юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазаларни самарали қўлланилиши асосида АСМ тармоқлари учун рақобатбардош кадрлар тайёрлашни рағбатлантирилиши агросаноат мажмуаси самарадорлигини янада ошириш учун хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МАҲАЛЛАЛАРДА ЎРТА ЁШ ҚАТЛАМ БИЛАН БИРГА ИШЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Қодиров Қ. – ф.ф.н., доцент, НДПИ

### Аннотация

Мақолада аҳолининг асосий қатламини ташкил қилувчи ишсиз ўрта ёш аҳоли билан жиддий шуғулланиш, уларни тинглаш, имконият ва шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш, нафақат бугунимиз, балки эртанги кунимиз учун ҳам долзарб масалалардан бири эканлиги ёритилган.

### Аннотация

В статье рассматривается тот факт, что безработное население среднего возраста, составляющее большинство населения, слушающее их, создающее возможности и условия и устраняющее существующие проблемы, является насущной проблемой сегодня и завтра.

### Annotation

The article deals with the fact that the unemployed middle-aged population, which forms the majority of the population, listening to them, creating opportunities and conditions, and eliminating existing problems, is a vital issue for today and tomorrow.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, Биринчи Президентимиз томонидан ёшлар масаласи, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ўрта ёшдаги аҳоли билан мунатазам шуғулланиш, уларни доимий иш билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада юртимизда бир қатор самарали ишлар ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Лекин бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнида Ўзбекистон аҳолисининг қарийиб 60 фоиздан зиёдини ташкил қиладиган бу қатлам билан, айниқса, миграция жараёнини янада олдини олиш, улар билан янада яқинроқ ишлаш, уларнинг дардини тинглаш, шарт-шароитлар яратиш, ишсизликни бартараф этиш каби бир қатор масалалар ўз ечимини кутаётганлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Қолаверса, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ҳудудларда халқ билан, ёшлар билан очиқ мулоқотлари давомида бу йўналишда муаммолар ҳар томонлама йиғилиб қолганлигини куюниб таъкидламоқдалар.

Шунинг учун ҳам жорий йилнинг ўзида фақат ёшлар масаласига қаратилган бир қатор қарор ва фармонлар, дастурлар эълон қилинди. Мазкур масаланинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар

Стратегиясида ҳам алоҳида масала сифатида киритилиши эса фикримиз далилидир.

Айниқса, 2017 йилнинг 30 июнь куни юртимизда вояга етаётган ҳар бир йигит-қизнинг ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Муҳтарам Президентимиз иштирокида ўтказилган IV курултойда ўзини ҳар томонлама оқламаган Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолияти тўхтатилиб, бутунлай янги ташкилот – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилоти тузилди. 30 июнь кунини эса «Ёшлар куни» деб эълон қилиниши, келажак эгаларининг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги йўналишнинг ташкил этилиши қалби эзгу орзу-умидлар билан ёнаётган ёшларимиз кўнглини тоғдек кўтарди.

Таъкидлаш лозимки, шу пайтгача ёшлар ташкилоти бундай катта ва ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган. Аниқроғи, қўли калта, мавқеи ёшлар муаммосини ҳал қилиб берадиган даражада юқори эмас эди.

Янги тузилган ташкилот – Ўзбекистон ёшлар иттифоқига юксак ҳуқуқий мақом берилди. Унинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб боради. Шу билан бирга, Президент фармонига биноан, Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланди.

Ташкилотнинг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўқорғи Кенгеси